

2-Мавзу: Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари

Режа:

1. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанининг ўқитилиш мақсади.
2. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси тизими.
3. Ўзбекистон Республикаси ФВВва унинг асосий вазифалари.

Калит сўзлар: ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини, кучли шамол техноген авариялар, катастрофалар ва экологик мувозанат.

1.Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси фанининг ўқитилиш мақсади

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишни, бозор иқтисодиётига ўтишни бошлаш билан бирга Республика миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мустақил муҳофаза сиёсатини яратиш ва уни амалга ошириш бошланди.

Президентимиз И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, **“Сиёсатимизнинг асил моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир”**деб доимо таъкидлайдилар.

“Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” фани талабаларга фавқулода вазияларни олдиндан башоратлаш ва аҳолини бундай вазиятларда огоҳлантириш, талафот юз берган тақдирда кечиктириб бўлмас қутқарув ишларини олиб бориш ҳамда талалофот оқибатларни бартараф этиш, мамлакатимизда содир бўлиши эҳтимоли бўлган фавқулода вазиятлар, уларни олдини олиш, фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳамда ҳудудларимизни муҳофаза қилишни ўргатиш бўйича билим ва малакага эга бўлишда катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз миллий давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген

фавқулдда вазиятларда муҳофаза қилиши, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишдан иборатдир. Бу эса фавқулдда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бу хавфдан огоҳлантириш борасида ўтказишни тақазо этади. Бу борада Президентимиз бошчилигида ҳукуватимиз томонидан бир қанча хайирли ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларда фавқулдда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бу хавфдан огоҳлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, фавқулдда вазият юз берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларни қурбон бўлишига йўл қўймаслик, иқтисодий зарар кам бўлиши, хавфсизликни ўз вақтида таъминлаш тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Мамлакатимиз аҳолисини халқ хўжалиги иншоотлари ва соҳаларини табиий ва техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилишни юқори даражага кўтариш, турли фавқулдда вазиятларни олдиндан башоратлаш ва аҳолини бундай вазиятлардан огоҳлантириш, талафот юз берган тақдирда кечиктириб бўлмайдиган қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш ҳамда талафотлар оқибатларни бартараф этишда талаба малакага эга бўлиши ва уни ҳаётга таъдбиқ эта олиши лозим.

Фан ватанимиз ҳудудини табиий ҳамда табиий-техник хусусиятларга таянган ҳолда аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулдда вазиятларда муҳофаза қилиш, ўзимиз ва келажак авлодлар учун биосферамиз бутунлигини сақлаб қолиш, экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқ хўжалигининг барча соҳаларда, шу жумладан кончилик ва металлургия саноатида меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини сақлашга ҳизмат қилади.

Ўтган XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок энг муҳим

вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил ФВ лардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ўрин олди

Фуқаролар муҳофазаси ҳақида умумий тушунча. Маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг муҳофаа қудратига эга. Муҳофаа сиёсатини қай тарзда амалга ошириш имкониятлари ўша давлатнинг қудратини белгилайди. Чунки давлатлар ичида янги-янги қуроллар яратиладики, булар нафақат инсониятга, балки бутун жонли табиатга, атроф-муҳитга жуда катта зиён етказди. Юқоридаги қуроллар ер юзида мавжуд экан, албатта, ҳар бир давлат бундай қуроллардан сақланиш воситаларини излайди, омилларини ишлаб чиқади. Шунинг учун ҳар бир давлатнинг муҳофаа қудрати асосини фуқаролар муҳофазаси ташкил этади.

2. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси тизими.

Фуқаролар муҳофазаси - умумдавлат муҳофаа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда фуқароларни, иқтисодиёт тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда қутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади. Мустақиллик даврида фуқаролар муҳофазаси соҳасида етарли ижобий ишлар қилина бошланди. Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида фуқароларни ва ҳудудларни табиий офатлардан, турли хилдаги авариялардан муҳофаза қилиш, фуқароларнинг мўтадил ҳаёт фаолиятини таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун **Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йилда фуқаро муҳофааси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилди.** Аввалги икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги даврдаги фуқаролар муҳофазаси - янги ижтимоий, иқтисодий зарурат асосида ташкил топган. Шу нуқтаи назардан халқимизни душман томонидан бўладиган ҳам ички, ҳам ташқи таъсирлардан сақлаш, ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланса, иккинчи томондан бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини, кучли шамол ва бошқалар) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар,

катастрофалар ва экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида унинг оқибатларидан фуқораларни, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда қутқариш ва кечиктириб бўлмайдиган тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида фуқароларни ва ҳудудларни табиий офатлардан, турли хилдаги авариялардан муҳофаза қилиш, фуқароларнинг мўътадил ҳаёт фаолиятини таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун **Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йилда фуқаро муҳофааси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилди.** Янгидан ташкил этилган ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси муҳофа ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида тинчлик даврлардаги табиий офатлар, ишлаб чиқариш фалоқатлари ва ҳалоқатларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш вазифаларини бажаради.

-Фуқаро муҳофазаси - умумдавлат муҳофа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда фуқароларни, халқ хўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда қутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади. Албатта, фуқаролар муҳофааси олдига қўйилган юқоридаги ишлар 1945 йилдан то 1990 йилларгача давом этиб келди, лекин шу давргача юқоридаги ишларни бажариш учун эҳтиёжлар бўлмади. Афсуски бу даврларда (тинчлик даврида) табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари, турли хил ҳалоқатлар юз бердики, халқимиз, халқ хўжалигимиз бундан жиддий зарарланди. Бундай ҳолатларда биз бир-биримизга ёрдам беришга тайёр эмас эдик.

«Фуқаро муҳофазаси» фанини олий ўқув юртларида ўқитишдан мақсад - талабаларга аҳолини, ҳудудларни, халқ хўжалиги объектларини турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича назарий ва амалий билимлар беришдан иборат бўлиб:

- талабаларни турли хил ФВларни умумий тавсилотлари, ФВларни олдини олиш, талафотларни камайтириш ва уларни оқибатларини бартараф этиш бўйича фуқаро муҳофазаси тадбирлари билан таништириш;

- олий ўқув юртларининг халқ хўжалиги иншооти сифатида уларни команда бошқарув таркиби ва ҳарбийлашмаган тузилмалари фаолиятининг моҳиятига мосланган ўқув-моддий базасини, Олий ўқув юртида бериладиган мутахасислигига мос ФМ тузилмалари хизматини қўллаб ҳал этадиган ФМ масалаларини ўз ичига олувчи тадбирларнинг ягона тизимини ўргатиш;

- талабаларда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлигини таъминлашда ФМ масалалари, тадбирларини муҳимлигини ҳамда ФВларда жароҳатланганларга ва ўзига-ўзи ёрдам кўрсатиш бўйича масъулият ва бурч ҳиссиётини тарбиялаш;

- талабаларга ФВ хавфи бўлганда ва рўй берганда уларнинг ҳаракатларида ахлоқий-руҳий барқарорлик сифатларини сингдириш;

- талабаларга ФВларда ҳаракат қилиш, аҳолини муҳофаза қилиш, ФВлар оқибатларини бартараф этишда авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмас ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш асосларини халқ хўжалик иншоотларини (корхоналарни) барқарор ишлашини кучайтириш усулларини ўргатиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги (ПФ-1378-сон) фармонида биноан аҳолини ва халқ хўжалиги иншоотларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, Республикада табиий ва техноген хусусиятли ФВларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ташкил қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли ФВлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-

моддасига асосан, ФВлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси ФВВдир.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

-ФВларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий кадриятларни муҳофаза қилиш шунингдек, тинчлик ва уруш вақтида ФВлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-ФВларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги хатти-ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ФМга раҳбарлик қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини, ташкилот ҳудудини, республиканинг миллий бойлиги бўлган объектларни муҳофаза қилиш, шунингдек, ФВларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш;

-йирик ФВларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш ушбу мақсад учун зарур бўлган куч ва воситаларни ташкил этиш ҳамда уларни тайёрлашни таъминлаш;

-аҳолини, ФВДТ мансабдор шахсларини ва тузилмаларини ФВлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш ва ҳ.к.

«ФМ тўғрисида»ги қонунда таъкидланадики:

-Ўзбекистон Республикаси ФМга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади;

-Ўзбекистон Республикаси бош вазири мамлакат ФМ бошлигидир;

-Ўзбекистон Республикасида ФМни бошқариш Ўзбекистон Республикаси ФВВ зиммасига юкланади ва ҳ.к.

4. Ўзбекистон Республикаси ФВВва унинг асосий вазифалари.

2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича
Ҳаракат стратегиясининг V-устувор йўналиш 5.1-бўлими 6 банди:

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнь кундаги **ПФ-5066**-сонли “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнь кундаги **ПҚ-3029**-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июнь кундаги **ПҚ-3030**-сонли “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Фвв фаолиятининг устувор вазифалари

- ⦿ Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкига туғиладиган хавфларни олдиндан профилактика қилиш ва олдини олишни, ҳаётий фаолиятини таъминлаш объектлари ва тизимлари барқарор ишлашини, таҳдидлар ва уларнинг келиб чиқиш факторларини олдиндан аниқлашни, уларни олдиндан бартараф этишни, аҳолини мавжуд хавфлардан огохлантириш даражаларини оширишни таъминлаш;
- ⦿ Фавқулодда вазиятлар профилактикасини ва инсонларнинг сув объектларидаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, йирик ва ўт муҳим сув хўжалиги объектлари давлат назоратини ва кузатувини кучайтириш;
- ⦿ Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича аҳоли билан мулоқотларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, биринчи навбатда

вояга етмаганлар ва ёшлар орасида, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, шунингдек вазирлик учун кадрлар тайёрлаш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Саволлар :

- 1.Фуқаролар муҳофазаси фанини ўқитилишидан мақсад нима?
- 2.Фуқаролар муҳофазасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- 3.Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари нималардан иборат?
- 4.Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари нималардан иборат?
- 5.Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЎЗР қайси қонунларида акс эттирилган
- 6.Фуқароларни ФВлардан муҳофаза қилишнинг қонунлар билан белгиланган тамойиллари нималардан иборат?
- 7.Ўзбекистон Республикаси ФМ га умумий раҳбарликни ким амалга оширади?
8. Республика ФМ бошлиғи ким?
9. ФМ фанининг ўтилишидан асосий мақсад нима?
10. Фвв фаолиятининг устувор вазифалари нималардан иборат?

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

- 1.О‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi- Т.: “О‘zbekiston”, 1992

2. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori.- T.: “SHarq”, 1998.
3. Karimov I.A. O‘zbekiston XX1 asr bo‘sag‘asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari.-T. O‘zbekiston ,1997 .
4. Nigmatov I., Tojiev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. Darslik – T.: Iqtisodiyot moliya. 2011. - 260 b.
- 5.Tojiiyev M., Nigmatov I. Hayot faoliyati xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma –T.: Tafakkur - Bo‘stoni“ 2012 .- 271 b.
6. Yuldashev O‘.R., Djabbarova Sh., Xasanova O.T. Hayot faoliyati xavfsizligi. Darslik –T.: “Iqtisodiyot” 2014. - 268 b.
7. Christer Pursiainen ”Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?”, Stockholm, Sweden 2008.
- 8.Friend, Mark A. Fundamentals of occupational safety and health / Mark A. Friend and James P. Kohn.—4th ed. 2007. 596
9. Сычев Ю.Н. Безопасность жизнедеятельности в чрезвычайных ситуациях: учебно-практическое пособие / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. — М., 2005. — 226